

**ВОЯГА ЕТМАГАН ЁКИ МЕХНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАРНИ МОДДИЙ
ТАЬМИНЛАШ (АЛИМЕНТ) ДАН БҮЙИН ТОВЛАГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК**

З.К.Шамшетова

С.Е.Бердибаев

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабалари

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни (ота-она фарзандини, фарзанд ота-онани) моддий томондан таъминлашдан бүйин товлаши натижасида келиб чиқадиган ҳолат учун жавобгарлик, маъмурий сўнгра жиноий жавобгарлики ҳақида ушибу мақолада билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз шахслар моддий таъминлаши, алимент, фуқаролик кодекси, оила кодекси, маъмурий хуқуқбузарлик, жиноят, қилмиш учун жавобгарлик.

Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси).

Республика фуқароларининг шахсий ва ижтимоий манфаатлари узвий мувофиқлашган оилани ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига молик бўлган вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддасига биноан, ота-оналар фарзандларини вояга етгунларигача моддий таъминлаш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим-есирларни ва ота-оналарсиз болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва таълим –тарбия бериш орқали ўз ёрдамини кўрсатади.

Оила қонунчилигида ота-онанинг вояга етмаган болаларига, ота-онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ болаларига, ёрдамга муҳтоҷ шахсларга, болалар муассасаларига жойлашган болаларга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ ўз ота-онасига, муомалага лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг бир-бирларига нисбатан алимент хуқуқ ҳамда мажбуриятлари қайд этилган.

Булар орасида хаётда кўпроқ учрайдиган тури ота-она ҳамда болаларга тўланадиган алиментлардир.

Алимент сўзи лотинча «алиментум» - “озиқ-овқат”, “нафақа”, “таъминот”, боқиши учун маблағлар” - деган маъноларни англатади. Ёки бошқача айтганда, бир шахснинг иккинчи шахсга мажбуран тўлайдиган нафақаси ҳисобланади.

Оила кодекси буйича, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равища бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равища тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Алимент ундириш тўғрисидаги даъвогар судга мурожат қилганда Фукаролик процессуал кодексининг 110-моддаси ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг З-моддаси "в" бандига кўра суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар. Шунингдек, Фукаролик процессуал кодексининг 241-моддаси З-қисмига мувофиқ, алимент ундириш тўғрисидаги даъволар фақат жавобгарнинг турган жойи бўйича эмас, балки даъвогарнинг яшаш жойидаги судга берилиши мумкин.

Суд алимент ундиришни мурожаат қилинган пайтдан бошлайди. Агар барча чоралар кўрилишига қарамасдан жавобгар алимент тўлашдан бош тортганлиги сабабли алимент ундира олмаганини, шунингдек даъвогар оилани сақлаш мақсадида ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво қилмаганини аниқласа, суд вазиятга қараб, ўтган давр учун ҳам, аммо уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун алимент ундириши мумкин (Оила Кодексининг 27-моддаси).

Болалар тарбияси учун алимент жавобгарниг иш ҳақига нисбатан ҳиссалар билан белгиланиб, даврий тўловлар шаклида ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига биноан, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми; икки бола учун – учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий оҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан карз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун

тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи микдорида алимент олувчига неустойка тўлайди (Оила кодексининг 142-моддаси 2-кисми).

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахси моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблагни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига биноан жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноят кодексининг 122-моддаси буйича, жиноятнинг обьекти бўлиб, суднинг қарорига мувофиқ, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг манфаатлари, яъни соғликлари, нормал жисмоний ривожланишлари ва моддий ёрдам олишлари ҳисобланади.

18 ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган деб ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатсиз шахслар - биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари деб топилганлар ёхуд касаллиги боис вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар.

Объектив томондан, суднинг қарори кучга киргандан сўнг уч ой мобайнида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандларини моддий таъминлашдан бош тортишдир.

Бўйин товлаш деганда, нафақат суднинг ҳал қилув қарори бажарилишини тўғридан-тўғри рад этиш, балки айборнинг оладиган маоши миқдорини, бошқа даромадларини яшириши, ижро варақаси бўйича тўловлардан қочиб қутулиш мақсадида иш ёки яшаш жойини ўзгартириши ёхуд шу мақсадда меҳнат қилишдан бўйин товлаши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Қилмиш фақат қуйидаги ҳолларда Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жавобгарликка тортилади:

1) Моддий ёрдамга муҳтож болаларни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиши учун маблаг қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги.

2) Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиши учун ундириладиган маблагларни жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган бўлиши.

Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиши учун ундирилиши лозим бўлган маблаг жами уч ой мобайнида тўланмаган тақдирда тугалланган деб эътироф этилади.

Жиноят қасдан содир этилади. Айбор ЖК 122-моддаси диспозициясида кўрсатилган шахсларни моддий таъминлаши лозим бўлган суд қарорининг қонуний кучга кирганлигини билади ва мазкур мажбуриятни бажаришдан бўйин товлайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Мазкур жиноят учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлаш вазифаси зиммасига юкланган 18 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс (ота-оналар, фарзандликка олувчилар) жавобгарликга тортилиши мумкин. Отa-оналик хуқуқидан

маҳрум қилиш алиментларни тўлашдан озод этмайди. Мазкур жиноят субъектлари шунингдек, суд томонидан оталик белгиланган шахслар бўлиши мумкин.

Қайд этилган шахсларни боқиш вазифаси зиммасига юкланган шахс узрли сабабларга кўра (касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги ва ҳоказо) уларни боқа олмаган ҳолларда уни ЖК 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ушун Жиноят кодексининг 122-моддаси икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини назарда тутади.

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, (Жиноят кодекси 122-модда 2қ.) икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Яъни, шахс илгари моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликга тортилган бўлса ва қасдан яна шу жиноятни содир қиласа.)

Маълумки, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Бу – Конституциявий мажбурият эканлигини эътироф этиш керак. Болаларни умумисоний қадриятларни ҳурматлаш, оналики мухофаза этиш ва болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига содик бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг қонуний ва маънавий бурчидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi URL: <https://constitution.uz/uz>
2. O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi URL: <https://lex.uz/docs/111189>
3. O’zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi URL: <https://lex.uz/docs/111453>
4. O’zbekiston Respublasi Oila kodeksi URL: <https://lex.uz/docs/104720>
5. Утемуратова С., Бегжанова Г. БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА УЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ БОРАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2015. – Т. 26. – №. 1. – С. 108-111.